

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 50 КУН ҚОЛДИ!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1991-
2000



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000-йил 13 июл
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 134 (2431)



РИЗҚИ БУТУН ЭЛИМ

Нон таъми...
Неъматларнинг подшохи,
дея онам дастурхондан
тўқилган ушқларни битта-
лаб териб оғзига солди.
Отам эса, ялангоёқ бошоқ
терган йилларини бир-бир
хотирадан ўтказиб, — нони-
миз бут экан ҳеч кимга
қарам бўлиб қолмаймиз, —
дея ўз ҳикоясини бошлади.
Менинг яйдоқ хаёлларим
шамолларда чайқалиб ётган

юртимизнинг бесарҳад гал-
лазорларига тўш урди...
Истиқлолнинг илк йилла-
ридаёқ давлатимиз раҳбари
мамлакатимизда галла му-
стақиллигига эришишдек эзгу
ишларга қўл ураётганлигини
элимизга маълум қилган эди.
Бунга эришилди ҳам. Аввал-
лари иккинчи экин, дея
қаралган бугдой бошоқлари
бугун томорқамизда ҳам тов-
лана бошлади.

Бу йилги ёғин-сочиннинг
куруқ келиши деҳқонларни
бир мунча ташвишга солди.
Шундай бўлса-да «галвир
сувдан кўтарилганда» таҳ-
ририятимиздан зафар
қувончлари битилган шоши-
линчномалар қарвонинг кети
узилмаяпти. Жумладан, сиз
суратда кўриб турган Дўстлик
туманидаги Аҳмад Қулбеков
номли ижара ширкатлар бир-
лашмаси ҳудудидаги уста

деҳқон Гадоёхожи Шодиев
бошлиқ «Шодлик» фермер
хўжалигида ҳам ҳосил мўл
бўлди. Галлакорлар 40 гектар
майдоннинг ҳар гектаридан 50
центнердан ҳосил кўтаришди.
Бу эса фермер хўжалиги аъзо-
лари томонидан юртимизнинг
катта тўйига муносиб совғаси
бўлди.
Юсуф ҲАМИДОВ,
Тоҳиржон
ҲАМРОҚУЛОВ (сурат)
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ВАТАН

Олис юртлар
боғларин кездим,
Уздим алвон
далаларини.
Лекин қалбда
бир кўмсаи сездим,
Фарғонанинг
далаларини.
Чет шаҳарлар
биноси гўзал,
Кўрдим турфа
фавворалари.
Аммо мен-чун
қадимий ғазал
Самарқанднинг
миноралари.

Юртим, ҳар не
ғиёҳинг азиз,
Оллоҳ иссиқ
этмиши бағрингни.
Сен дунёда
биргина ёлғиз
Англагувчи
менинг қалбимни!
ҲУМОЮН.

Мустақиллик
шодиёнаси юрти-
миздаги жамики
байрамларнинг
гултожи.

Ота-боболари-
мизнинг асрий ор-
зуси бизга насиб
этиши тақдирнинг
бебаҳо инъомидир.

Бу байрам ҳар
бир хонадонга, ҳар
бир қалбга кириб
боражак.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OЛИЙ МАЖЛИСИДА

Кеча Олий Мажлисининг
Оила ва аёллар муаммолари
комиссиясининг йилги
шўбаси бўлиб ўтди. Комиссия
раиси Шарифа Салимова
олиб борган мажлисда Қо-
рақалпоғистон Республикаси
ва Тошкент шаҳридаги ен-
гил саноат корхоналарида
Меҳнат кодексининг хотин-
қизлар, вояга етмаганлар
ва ногиронлар учун белгиланган
имтиёзларга доир қисмининг
иккунга таъминлаш мас-
алаларига масъулиятсизлик
ила ёндошмоқдалар. Ишчи
ўринларини аттестациядан
ўтказиш амалга оширилма-
ган. Зарарли ва оғир ме-
хнат шартлари бўлган жой-
лар белгиланган, жамоа
шартномасида меҳнатни му-
ҳофаза қилиш ҳамда хавф-
етмаганлар ва ногиронлар-
га имтиёзлар яратиш юза-
сидан қатор чора-тадбир-
ларни амалга оширилган.
Шу билан бирга, бир қатор
корхоналарга меҳнатга оид
қонун ҳужжатларига риоя
этилиши борасидаги камчи-
ликларга йўл қўйилиб, хо-
тин-қизлар, вояга етмаган-
лар ва ногиронларнинг меҳ-
нат ҳуқуқлари бузилмоқда.
Корхоналар раҳбарлари хо-
диқларга қонун ҳужжатлари-
да назарда тутилган амал-
га оширилганлиги муҳо-
кама қилинди.
Қорақалпоғистон Респуб-
ликасида ўрганилаётган ма-
сала юзасидан муайян иш-
лар олиб боришмоқда. Хў-
жалик идоралари, корхона раҳ-
барлари, касабга уюшмалари
ташкilotлари билан ҳамкор-
ликда меҳнатга оид қонун
ҳужжатларига риоя этилиши,
меҳнатни муҳофаза қилиш
ҳамда хотин-қизлар, вояга

(Давоми 2-бетда).

Фикр
БИР ГУРУХ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА
ҚЎЙИДАГИ САВОЛ БИЛАН
МУРОЖААТ ҚИЛДИК:

«МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИНИ НИШОНЛАШ ДЕГАНДА СИЗ НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?»

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
доцент:
— Узоқ йиллар қафасда сақланган
қушини эркинликка чиққан пайтини
кўз олдингизга келтиринг. У арқала-
ниб, яйраб-яйраб, чуғур-чуғури
тинмасдан, бутун самони кўчугдай
парвоз этади. Мен энг улуг, энг азиз
байрамимизни нишонлашда ҳар бир
юртдошимизни ана шундай кайфият-
да кўришни истайман.

ҳар бир куним байрам десам,
баландрозликка йўлманг. Чунки
мустақиллик олинди, берилмайдими.
Ваҳоланки, ўтаётган ҳар бир куним
истиқлолдек буюк неъматга
яраша бўлмоғи лозим. Яъни мамла-
кат мустақиллигини мустаҳкамлашга
ўз меҳнатимиз, фидойилигимиз,
ташаббускорлигимиз билан ҳисса
қўйишимиз керак. Мустақилликни
ҳар қанча тантана қилса арзийди.
Бироқ бу жўшқинлик, энг аввало,
ҳар кимнинг қалбида «Бу менинг
байрагим, у борки мен борман, у
борки ҳаётим маъмули-мазмунли»
деган туйғулардан бошланса қандай
гўзал.

Тўлибой ҲАЙТИМОВ,
нафақахўр:
— Кўча чангитиб юрган болалик
пайтида оқ соқоли кўксига тушадиган
қарияларнинг ўзаро суҳбатни
қўлоғимга чалинарди. «Буларнинг
ҳам бошига битган бало бордир,
бизнинг халқимизнинг ҳам пешонаси
ярқирайдиган кун келар», — дейи-
шарди улар икки гапнинг бирида. Ва,
хавотир ила атрофга қарашарди.
Боламан-да, ҳеч нарсага тушунмай
чилиб кетавардим. Бугунги кунлар-
ни ўша отахоналар кўрсанида севин-
чдан, гурурдан тўлиб-тошмасмиди?
Менимча, бош байрамимиз муста-
қилликни муносиб нишонлаш элининг
гурури, ори, керак бўлса обрўйдир.

Турғун ХОЛИҚОВ, ҳарбий:
— Халқимизнинг бутун бошли
тарихини тушунаман. Беназир
аждодларимизнинг дунё цивилиза-
циясига қўшган ҳиссасини кўз
олдимга келтиришни истайман.
Элимизнинг миллий қадриятлари,
анъана одатлари дейсизми, ҳамма-
ҳаммаси қандай завқли. Бу завқ
кўнгилга ифтихор бағишлайди.
Мустақилликни нишонлашнинг
харакатлантурувчи кучи ҳам ана шу
ифтихорга бориб тақалади.

Тўлқин РЎЗИЕВ, журналист:
— 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб

«Халқ сўзи» мухбири
О. РАЖАБОВ ёзиб олди.

МУКОФОТГА ЭНГ МУНОСИБЛАР САЗОВОР БЎЛАДИ

Юртимизда истиқлолнинг
дастлабки кунлариданоқ
иктисодий ёшларни аниқлаш
ва қўллаб-қувватлаш, истеъ-
додини ҳар томонлама камол
топтиришга алоҳида эътибор
қаратилмоқда. Мамлакатимиз
Президенти томонидан ўтган
йил 10 июнда қабул қилин-
ган «Зулфия номидаги Дав-
лат мукофотини таъсис этиш
бўйича тақлифларни қўллаб-
қувватлаш тўғрисида»ги Фар-
мон бунинг яна бир аққол да-
лили бўлди.

Республика Хотин-қизлар
қўмитасида Зулфия номидаги
Давлат мукофоти бўйича ко-
миссиянинг навбатдаги йилги
ишларида шу ҳақда гап борди.
Уни бош вазир ўринбосари,
республика Хотин-қизлар
қўмитаси ҳамда мазкур комис-
сия раиси Д.Ғуломова бош-
қарди.
Ийгилишда ўтган йили фан,
адабиёт ва санъатнинг турли
йўналишлари бўйича иқтидо-
рини намойиш этган ўн тўрт
нафар қиз илк бор Зулфия но-

Зухра УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Тошкент вилояти галлакорлари зафари

Жорий йилда 122,5 минг гектар
майдонда деҳқончилик қилган пойтахт
вилояти деҳқонлари давлатга галла сотиш шартнома режасини
бажарди. Давлат қабул пунктларига 263,8 минг тонна сара дон
етказиб берилди. Бунда Чиноз, Оққўрғон, Бўка, Янгийўл,
Урғаччиқ туманлари галлакорларининг
ҳиссаси, айниқса, юқори бўлди. Вилоят бўйича ҳар гектар
ердан ўртача 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.
Айни кунларда ўрим-йиғим жадал давом этмоқда. Ҳали 17
минг гектар майдондаги галла ўроқ кутиб турибди. Вилоят меҳ-
наткашлари ҳосилни чамалаб, давлатга яна ўн беш минг
тонна галла сотиш ва ўн минг тонна уруғлик жамғариш
ниятдалар. Қолган ҳосил деҳқонларнинг ўз оморларига
туширилади.
Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

МЭН ОЗОД ЮРТИМ ФАРЗАНДИМАН

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

1. Мустақиллик даврида олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эриш-
дик, деб ўйлайсиз?
2. Мустақиллик тўғрисида шаксан Сизнинг ҳаётингизда ва фаолиятингизда қан-
дай ўзгаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуктаи
назоридан бугунги ишларингиздан кўнглингиз тўладими?
3. Сизнингча, янги аср бугунгида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун
нималарга эътибор бериш керак?



келгунча унинг ҳар ҳову-
чи олмос баҳосига чи-
қарди. Уз навбатда пах-
тамин арзон-гаров
нархда эшелон-эшелон
жўнатарлардик. Истик-
лолнинг дастлабки кун-
ларидан дастлаб мух-
тарам Президентимиз мам-
лакатимиз олдиға галла
қарамлигидан халос
бўлиш вазифасини
қўйдилар. Бир неча йил-
лик савий-ҳаракат орқали
бу мақсадга эришилди.
Ноқулай бўлса ҳам тан
олай: қўлимиз бугдой
ўстиришдан шу қадар чи-
қиб кетган эканки, даст-
лаб гектарига 3-5 цент-
нердан кузги бугдой ол-
дик. Энди эса айрим да-
ларда бу кўрсаткич 90-
100 центнерга етмоқда.
Мустақиллик даврида ол-
димизга қўйилган битта
мақсад ижросини айт-
дим, холос. Бундай
ўсиш-ўзгаришларни са-
найман, десангиз, адоғи
йўқ.
Энг муҳими, давлати-
миз чинакам давлат,
миллатимиз том маъно-
да озод миллат, инсон
хур, ўз ўтмиши ва кел-
ажанинг ҳақиқий соҳиби
гайланди. Бундан ортик
бахт бўлиши мумкинми?
2. Мустақиллик тўғрисида
йили ўзини муқаддас Ватан
фарзандиман, деб
ҳисоблаган ҳар бир одам
ҳаётида ўзгаришлар юз
берди. Бунга фақат иқти-
сод, бозор ислохотлари,
тадбиркорлик учун очил-
ган йўл билангина изоҳ-
лаш нотўғри бўлур эди.
Аваламбор, ҳаммамиз
ва ҳар биримизнинг та-
факкуримизда, онгимиз-
да, қалбимизда янги бир
ҳаёт, янги бир дунё кўз
очди. Инсон ўзининг ас-
рий ораусига эриша
бошлади. Бу орузларни
қай йўсинда рўёбга чи-
лар қўймоқда. Қолавер-
са, буюк келажак бино-
сининг пойдеворлар ҳар
жиҳатдан мустаҳкам

бўлишига эришишимиз
лозим.
3. Аллоҳнинг инояти
боис азиз Ўзбекистон-
нимизнинг обрў-эъти-
бори кун сайин ошиб
бормоқда. Таассуф-
ким, истиқлолимиз-
нинг турли кўриниш,
қийфадаги душманла-
ри кўл қовуштириб
ўтиргани йўқ. Айниқса,
турли экстремистик
оқимларнинг навихот
ёшлар онгини захар-
лашга уринаётгани
ҳар биримизни таш-
вишга солиши, гоғна
қарши гоғ билан, жа-
ҳолатга қарши маъри-
фат билан курашиши-
миз шарт. Ёш авлод
кўпроқ илм эгалласин,
илгор технологияларни
ўзлаштирсин, юксак
маънавият соҳиб
бўлсин. Иқтисодий ис-
лохотлар бир кун кеч
амалга оширилса, кат-
та йўқотиш бўлмасли-
ги мумкин. Мафкура-
вий бўлиқ эса дақи-
қалар ичида ҳам катта
зиёнларга йўл очиб
беради.
«Халқ сўзи» мухбири
Янгибой ҚҮЧҚОРОВ
ёзиб олди.

БИЛИМЛИЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

Ёз чиласининг иссиқ кунлари университет ва институтларга ўқишга киришга тайёрланаётган абитуриентлар учун энг қайнок давр ҳисобланади. Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг "2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул бўлишга"ги Қарори бу жараёни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Ҳўш, олий ўқув юрталарига бу йилги қабулнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Мухсинжон Мухидинов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

– Бу йил тест саволлари жамғармасини шакллантиришга, бойитишга катта эътибор берилди. Бу ишга мактаблар, олий ўқув юрталаридаги ўқитувчи ва мутахассислар кенг жалб этилиб, улар нафақат саволларни тузишга, балки таърих қилишга, синовдан ўтказишга ёрдам бердилар. Шунинг учун саволлар жамғармаси 1996 йилдаги нисбатан тўрт баробар ортди. Ҳар бир абитуриентнинг ақл-заковати, савияси, мустақил фикрлаш қобилиятини аниқлайдиган тест саволлари қўпайтирилди. 1996 дан то 2000 йилгача нашр қилинган, яъни беш йиллик саволлар жамғармаси ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, бу борада тест саволларини тузиш, тест технологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида тест синовларини ўтказишнинг аҳоли ва ривожлантириш муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар жуда қўл келди. Анжуман иштирокчилари, айниқса, АҚШ, Буюк Британия ва МДХ давлатларининг етакчи олимлари эътироф этишича, Ўзбекистондаги тест технологияси жаҳоннинг асарият давлатлари учун ўрناк бўлишга аризулик экан.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Маъмур дастур қабул комиссиясининг ишлари тўлиқ автоматлаштириш имконини беради. Ҳар бир абитуриент бўйича тўлиқ маълумот – тузилган кундан тортиб паспорт ва аттестат серияларининг рақамлари, танлаган мутахассислиги, қайси тил ва йўналишда танловда иштирок этмоқчи бўлгани тўғрисидаги ахборот олий ўқув юрталарининг ҳам, тест марказининг ҳам компьютерларида ҳам бўлади. Кейинги босқичда компьютер ёрдамида олий ўқув юрталарида абитуриентларнинг гуруҳлари, уларнинг ва назоратчиларнинг аудиторияларга тақсимланиши амалга оширилади.

Натижалар олингандан кейин ҳам худди шу автоматлаштирилган тизимнинг ўзи балларни ҳисоблаб беради. Жойларда, аудиторияларда назоратни қўлайтириш, тест технологиясини бузиш ҳолларининг олдини олиш, салбий ҳодисаларни аниқлаш мақсадида биз бу йил махсус компьютер программалари орқали республикамиздаги ҳар бир аудиториядан келган натижаларни таҳлил қилиб, ўша ердаги жараёнинг тўлиқ манзарасини тасаввур қила оламиз. Лекин энг асосийси шундаки, тест топшираётган ёшларимизнинг ўзи доимо ҳушёрлини бой бермаслиги, кўз ўнгига содир бўлаётган салбий ҳодисаларга муроасиз бўлиши керак. Ҳар бир абитуриент ўз фуқаролик бурчига амал қилиб, тест регламентининг бузилишига йўл қўймаслиги керак, деб ўйлайман. Қолаверса, биз жавоб варақаларида махсус белгилар учун ҳам жой қолдиридик. У белгиларни машинанинг ўзи ўқиб, қаерда тест қандай ўтганини умумлаштириб беради.

– **Нима учун 2000/2001 ўқув йилида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича давлат грантлари ва нисбатан тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари кўпроқ?**

– Бу масалага аниқлик киритиш зарур деб ҳисоблайман. Юртимиз иқтисодиётининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қўбилиятли ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадида бу йил олий ўқув юрталарига режа ўтган йилга нисбатан юқори. Ўз билимини ошириш истагидаги ёшларга янада кенг имкониятлар очиб мақсадида контракт асосидаги квоталар қўпайтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сиз меҳнат шартларини таъминлаш учун мўлжалланган маблағлар тўлиқ миқдорда ажратилмаган. Меъёрланмаган иш вақти ҳисобга олинмаган, санитария-مائий шартлар яратилмаган. Бу табиийки, меҳнат низолатини юзага келишига сабаб бўлмоқда.

рилоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш, имтиёزلар бериш чора-тадбирлари ҳам қўрилмади ва қўрилмоқда.

Ийгилишда таъкидланганидек, шу билан бирга қатор корхоналарнинг иш бевучи томонидан хотин-қизлар, во-яга етмаганлар ва ногиронларнинг меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли қонун ҳужжатларининг талаблари бузилишига йўл қўйилмоқда. Юқорида санаб ўтилган тоифадаги ходимларга имтиёزلар беришга, улар учун тегшли иш шарт-итлари яратиш ва меҳнатларини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларининг талаблари қўпол равишда бузилаётганидан далolat берувчи фактлар аниқланди. Иш ҳақи тўлаш тартиби бузилимоқда. И-

гуруҳ ногиронлари учун меҳнат ҳақини камайитмасдан иш кунини қисқартириш тартиби белгиланмаган. Меҳнат таътиллари ўз вақтида расмийлантирилмаган. Ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқланмаган ва ходимлар тиббий кўриқдан ўтказилмаган ҳоллар ҳам учрайди.

Ийгилишда таъкидландики, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги тўқимачилик корхоналарида содир бўлаётган мавжуд камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Шунингдек, махсус ахли аёллар меҳнатига муносабатни яхшилаш борасидаги тақлиф-мулоҳазаларни билдирди.

Ийгилиш кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғулмова иштирок этди.

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАРГА — КРЕДИТЛАР

Мамлакатимизда бугунги кунда бозор иқтисодиёти қонунарига мос банк тизими яратилди. Миллий валютамизнинг муомаласига киритилиши, унинг қадрини ошириш, эмиссияни қисқартириш, инфляцияни юлтувланган борадаги муайян натижалар ютуқларимизнинг бош мезони бўлиб турибди.

Жорий йилда туманимизда фаолият кўрсатаётган 532 нафар мижозларга қисқа муддатли имтиёзли кредит маблағлар ажратилди. Қишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари ишлаб чиқарувчи 12 та фермер ҳўжаликларига 13 миллион сўмлик қарз берилди.

«Истиклол — 98» машина-трактор парки ҳам имтиёзли қарзи эвазига хорижда ташаб қиларган техника сотиб олди. «Ташаббус — 2000» танлови ғолиби, «Ғайратли» фермер ҳўжалиги бошлиғи Р. Шарипов ва «Дилором» фермер ҳўжалиги бошлиғи М. Ҳожиёвлар ҳам банкимизнинг доимий мижози ҳисобланади.

ЎЗА мухбири
Назoат УСМОНОВА
суҳбатлашди.

Очил ШАРИПОВ,
«Ўзтадбиркорбанк» акциядорлик-тижорат банки Жоңдор туман бўлимининг бошқарувчиси.

«МАШХУРА»НИНГ ИЗДОШИ

Тошкентдаги «Машхура» фирмасининг довури мамлакатга ёйилди. Фирма қошида очилган ўқув курсларида ўқиниш орзу қилётган, бичиш-тиқиш, миллий ва овурупча таомлар тайёрлашни ўрганаман, яхши уй бекаси бўламан деган қизларимиз республикамизнинг чекка жойларига ҳам қанча-қанча келибди. Аммо уларнинг ҳаммасини пойтахтда ўқитишнинг имконияти йўқ.

Узушлик ёш тадбиркор Нигора Ҳайиткулова «Машхура»нинг издоши сифатида «Флора» фирмасини ташкил этиб, қишлоқ қизларининг орзуларини рўёбга чиқаришга астойдил бел болади.

Яқинда бўлган бир воқеа менга каттиқ таъсир қилди. Қишлоқдан бир қиз Тошкентга, «Машхура» фирмасига ўқишга кетган эди. Бир ой ўқиб, иқтисодий шартоти тўғри келмай қайтиб келди. Шунда тикувчилик, пазандачилик, рўзгор юритиш маҳоратини ўрганаман деб орзуси ушаламай юрган қизларимиз қанча деган уй кечди қўнғимдан. Уша кундан бошлаб туманда шундай ўқиниш ташкил қиламан деб ўзимга сўз бердим, — дейди Нигора Ҳайиткулова.

Фирма ишини юргизиш, қисқа муддатли курслар очиб, жой, маблағ масалалари ўз-ўзидан ҳал этилгани йўқ. Аббатта, бунинг учун Нигора елиб-югурди, қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келган пайтларда ҳам аҳиддан қайтмади. Туман кенгашининг депутаты сифатида ўз ваколатидан тўғри фойдаланди.

Корхонада тикув-бичув (моделерлар) курси очилиб, юздан зиёд қизлар жалб этилди. 10 та тикув машинаси сотиб олинди. Сал ўтмай куллария бўйича, кейинроқ аёллар сартарошонхона (пардозхона) ташкил этилди. Бугунга келиб курсларга ўқитилганларнинг сони 150 нафардан ошди.

«Туркистон-пресс».



ТАЪСИРЧАН СЎЗ ҚУДРАТИ

XX асрнинг сўнгги ўн йили халқимиз тарихига алоҳида ва тамоман ўзига хос давр сифатида киради. Мустақиллик мамлакат аҳолисининг чинакам хур ва эркин ҳаёт, ўз тақдири ва келажаги учун ўзи курашиш мижозини теран англаши, яратиш завоқини тўла ҳис этиши учун имкон берди.

Тўққиз йилда босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқлар самараларини йиллар ўтгани сайн янада чуқурроқ тушуна борамиз. Бугун шулар айнан нималардан иборат эканлиги, биз қандай жамият ва давлатдан воз кечиб, ўрнига қандай жамият ва давлат барпо этаётганимизни кенг аҳоли қатламларига ҳар тарафлама тушутириш жуда зарур эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки ҳаёт ўзгаришти, замон янгиланяпти, жамият ҳар кун беш-ка бир даражага кўтарилиб бораётган, бунинг билан бирга биров сезмай қолмайди. Инсон жамият аъзоси экан, унинг онг-тафаккури ҳам жамият билан бирга ривожланиб бориши керак.

Демак, бугун онгини янгиллаш, уни эски тасаввурлардан фориғ этиш — тўб мақсадлардан. Бунга эса ўз-ўзича эришилмайди.

Президент Ислам Каримовнинг 1999 йил 3 сентябрда қабул қилинган Фармонида асосан ташкил топган республика Маънавият ва маърифат Кенгаши мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни уйғунлаштириш, амалга оширилаётган тадбирларни ўзаро мувофиқлаштириш вазифасини бажаряпти.

Кенгашнинг яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат Кенгашлари масъул котиблари — республика «Маънавият ва маърифат» марказининг шу жойлардаги бўлимлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишида айнан мустақилликнинг 9 йиллигини халқ ўртасида кенг тарғиб қилиш йўли-йўриқлари ва бу борадаги вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишни олиб борган Кенгаш масъул котиби Асиддин Болиев аввало, истиқлолни тарғиб-ташвиқ этиш, эришилган ютуқларимиз мижозини ва келажак учун аҳамиятини ҳаётини мисоллар, таҳлиллар асосида тушутириш фақат байрамгача бўлган даврда қилинадиган мавсумий вазифалар сира-сига кирмаслиги, бу доимий ва мунтазам амалга ошириладиган муҳим иш эканлигини таъкидлади.

Республика — Маънавият ва маърифат — Кенгаши ҳузурида ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тузилган жамоатчи тарғиб-чиқар гуруҳларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, бу худудларнинг турли туманларида бўлиб, кенг аҳоли ўртасида олиб борган суҳбат ва мулоқот, учрашув ва маърузаларнинг таъсирчанлиги, ҳаётийлиги айтилиб, бу самарали йўлни давом эттириш, июлнинг иккинчи ярмида эътибордан таниқли зиёлилардан ташкил топган шундай гуруҳларини жойларга жўнатиш режаси маъқуллади.

Мурод ҲОШИМОВ.

Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги туманнинг илгор жамоаларидан саналади. Бу ерда дон етиштириш соҳасида улкан муваффақиятга эришилган. Хусусан, бу йил 318 гектар майдондаги галла ҳосилдорлиги 60 центнерга етди. Утган йили пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан бўлган экан. Бу йилги ният ҳам эзгу. 720 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари меҳр билан парваришланяпти. Бу ютуқларга эришишда 32 йилдан буён экишларга сифатли ишлов бериб келаятган механизатор Рўзимамат Қирғизовнинг (суратда) ҳам муносиб улуши бор.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

ИСТИКЛОЛ — ЙЎЛИ

Инсон кўприк устида турганида икки киргоқ аниқ кўринадидейишди. Истиклол байрами биз учун ўтмишни баҳолаш, келажакни белгилаш учун ана шундай рамзий кўприк, десак тўғри бўлар.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки вақтда ҳар бир фуқаро келажакка катта умид билан қараган бўлса, ой ва йиллар ўтган сайн одамларнинг фикри тиникроқ, одими дадил бўла бораётганини эътироф этмай илож йўқ. Бунинг республикамизнинг ижтимоий, сиёсий, илмий-маданий, ҳуллас, ҳамма соҳаларида ҳам аниқ кўриш мумкин.

Президенимиз И.А. Каримовнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби икки муҳим ҳужжат Тошкент Фармацевтика институтига ўтказилаётган изланишлар ва ислохотларга катта туртки бўлди. Жаҳон цивилизациясида ўз муносиб ҳиссасига эга бўлган Ўзбекистон доришунослик ва таъбиот соҳасида ҳам илдииз чуқурлигини намойён этди. Ватанимизда етишиб чиққан буюқ доришунос алломалар мерсидан эндиликда жаҳон илм ахли баҳра оладиган бўлди. Ўзбекистон бу соҳада ҳам жаҳонга юз очиб, у билан фаол мулоқотга киришди. Ушбу мақолада бундан 63 йил муқаддам ташкил топган, Урта Осиё микёсида фармацевтика таълими ва фанининг ягона маскани ҳисобланиб келган Тошкент Фармацевтика институти ҳақида мухтасар сўз юритмоқчимиз.

публика Фан ва техника давлат қўмитаси танловларида ғолиб чиқиб, контракт ва грантлар олиш доришунос олимла учун оддий ҳал қолди.

Ўтган тўққиз йил мобайнида институтнинг ўқув режалари ва дастурларида, илмий йўналишларда улкан ва жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Истиклолнинг бошларидаёқ республикада фармацевтика санотини барпо этиш, доривор ўсимликларни ҳам санот микёсида қўпайтириш зарурлигини

иноватга олиб, институтда энг замонавий, шу пайтгача бизда бўлмаган агроэкология ва биотехнология иختисосликларини яратишга жонқуярлик қилинди. Истиклолнинг илк баҳорларида катта умид билан экилган ниҳоллар бугун ҳосил бера бошлади. Бу йил учинчи бор фармацевтлар билан бир қаторда институтизмиздан агроэкология ва биотехнология мутахассислари ҳам учирма бўлдилар. Республикаимизнинг турли жойларида уларга талаб ниҳоятда катта.

Институтизмиз тарихида биринчи бор докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун иختисослашган кенгаш ташкил этилди. Мустақиллик даврида институтда 16 нафар фан доктори тайёрланди. Улардан 12 таси ўзимизда, 4 таси Дори воситалари ва тиббий техниканинг сифатини назорат этиш бош қарорхонасида фаолият кўрсатишмоқда. Эндиликда 5 нафар ўзбек аёли фармацевтика фанлари доктори, профессори эканлигидан қувончи мумкин.

Аваллари институт яратган кашфиёт ҳақида ойллар, йиллар

ўтиб Москвада чоп этиладиган илмий журналлар орқали билар эдик. Мустақилликнинг илк давридаёқ ташкил этилган «Кимё ва Фармация» журналинда фармацевтика фани ва амалиёти эришган ютуқларини умумлаштириб, ўз саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб бормоқда. Эндиликда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш қўмитаси тавсиясига кўра, Марказий Осиё мустақил давлатлари олимларининг ҳам илмий мақолалари журналнимиз саҳифаларида чоп этилмоқда.

ДОРИШУНОС КАДРЛАР

яъни журнал халқаро микёсда намойён бўлмоқда.

Энг муҳими, бизнинг илм даргоҳимиз ўтиш даврида юз барики кутилган информация танқислигини тез ва соз енгиб ўтди. Биринчи навбатда яқин ва узoқ хориждан энг замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалари келтирилди. Малакали профессор-ўқитувчиларнинг лекция матнлари жаҳон андозалари талаби даражасида тузилиб, чоп этилмоқда, дискетларга кўчирилиб талабаларга фойдаланиш учун топширилмоқда.

Нуфузли профессорларнинг у ёки бу фандан ўқиган лекциялари тўлиқ магнит тасмасига ёзиб олинди, институт «олтин фонд»га айлантирилди. Улардан нафақат талабалар, балки ёш ўқитувчилар ҳам таҳсил оломоқдалар, лекторлик маҳоратларини оширмоқдалар.

Институтуда компьютер маркази ташкил этилди. Қарий барча кафедраларга, марказий илмий текшириш лабораторияси-га, кутубхона ва илмий бўлимларга интернет ва электрон почтаси ўрнатилди. Барча компьютерларга 6 хил тилга таржима

натинг ташкилий омилларини яратиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, фандаги монополизмга қарши кураш ҳамда эркин рақобатни ва бевосита фикр алмашишни таъминлашнинг ҳаётга сингдирга бошлади.

Моддий-техник таъминот, ўқув дарсликларини, илмий адабиётлар, кимёвий реактивлар, ноёб илмий ускуна ва асбоблар, айниқса, информатика воситаларини харид қилишга, илмий сафарларга чиқишга тааллуқли маблағ-манбаларни топишни мустақил ҳал этишга эришилди. Эзгу инти-лишлар ўз мевасини узoқ куттирмади. Эркин парвоздан илҳомланган институт жамоаси тез орада Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Европа бўлими билан алоқа ўрнатди. Буюк Британия билан алоқа қирилганининг Нoу-Хoу фонди танловида қатнашиб, махсус грантга сазовор бўлишди. Рес-

публика Фан ва техника давлат қўмитаси танловларида ғолиб чиқиб, контракт ва грантлар олиш доришунос олимла учун оддий ҳал қолди.

Ўтган тўққиз йил мобайнида институтнинг ўқув режалари ва дастурларида, илмий йўналишларда улкан ва жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Истиклолнинг бошларидаёқ республикада фармацевтика санотини барпо этиш, доривор ўсимликларни ҳам санот микёсида қўпайтириш зарурлигини


Қимматли қоғозлар

ДЕПОЗИТАРИЙДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Республика биржа марказида акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш ва уларни қайта шакллантиришда Германия депозитарийсининг тажрибасига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.



Балиқчиликни ривожлантириш кони фойда эканлигини «Андижонбалиқ» ҳиссасдорлик жамияти фаолиятида кўриш мумкин. Бу ерда йилга 1000 тоннадан балиқ етиштирилади.



Айни чоғда балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳам талай тадбирлар амалга ошириляпти. Бу йил улар 10 тонна дудланган балиқ тайёрлаш, 300 тонна балиқни қайта ишлашни мақсад қилганлар.

СУРАТЛАРДА: ҳиссасдорлик жамияти раиси Сирожиддин Ғуломов ишчи Убайдулло Ҳошимов билан; балиқ овловчи Дилмурод Юсупов иш пайтида.

Тоҳиржон ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.

Суд мажлиси давом этапти. Яқиндаги вазифасини суиистеъмол қилишда айбланган хусусий корхона директори жабрланувчи сифатида ўзинга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланганини талаб этаётти, бир эмас, икки тафтишчи жавобгарликда айбланиб, сўроқ қилинапти.

Сура залидан

ТАФТИШЧИНИНГ АДАШИШИ

535502 сўм имтиёзли кредитга эга бўлади. Ана шу маблағ ҳисобига у 35 бош қарамол, 50 бош қўй ва эм-хашак сотиб олади. Орадан кўп ўтмай 20 бош қўй ва 6 бош қарамолни сотиб, кредит суммасининг бир қисмини қоплайди.

Ўзига қимматга тушди

Бу ерда ҳақиқат қарор топган. Аммо унга эришгунча Эгамназар озмуна азоб чекмади. 1999 йил 1 январдан 2000 йилнинг 29 мартига қадар хусусий фирмасида ўз фаолиятини давом эттира олмади.

Суд залидан

ТАФТИШЧИНИНГ АДАШИШИ

Бу ерда ҳақиқат қарор топган. Аммо унга эришгунча Эгамназар озмуна азоб чекмади. 1999 йил 1 январдан 2000 йилнинг 29 мартига қадар хусусий фирмасида ўз фаолиятини давом эттира олмади.

Суд залидан

ТАФТИШЧИНИНГ АДАШИШИ

Бу ерда ҳақиқат қарор топган. Аммо унга эришгунча Эгамназар озмуна азоб чекмади. 1999 йил 1 январдан 2000 йилнинг 29 мартига қадар хусусий фирмасида ўз фаолиятини давом эттира олмади.

НОРБЎТАБИЙ ТАНГАЛАРИ

Қўқоннинг сўнгги хонлари етишиб чиққан минглар сулоласи бир асрдан кўпроқ вақт ҳукмронлик қилди. Сулола асосчиси Норбўтабий 30 йиллик ҳукмронлик даврида давлатнинг эътироф этилган шакли-шамойилини тиклади, шariat қонуларига асосланган тузуқларни жорий қилди.

қилиш имконияти бўлган дастурлар ўрнатилди. Ҳозирги кунда институтдаги ҳар 5-6 талаба битта компьютер турғи келади.

моқда. Мазкур ўқув йилида 2 та талаба АҚШнинг Бостон ва Линкольн шаҳарларида олти ой туриб, махсус мактабларда таълим ўрганиб, Гарвард ва Небраска университетларида таълим олиб қайтишди.

ринчи галда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси буюртмаси асосида тузилган контрактлар бўйича олиб борилди.

Дори-дармонларни яратиш кимёгарлар, фармацевтлар, технoлoглар, фармокологлар, фармакологлар, токсикологлар, анатомлар каби турли соҳа мутахассисларининг ижодий ҳамкорлиги, машаққатли меҳнати бўйича рўёбга чиқди.

ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА?

илмий изланишлар, янгилик, илмий анжуманлардан ўз вақтида хабардор бўлишлари, жаҳоннинг энг илгор илм-фан намоёндалари билан ҳамнафас ижод қилишлари имкон яратилди.

диган Жаҳон фармацевтлар федерациясининг 60- конгрессида боришга тайёргарлик кўрмоқда. Яна ўн бир нафар аспирант ва изланувчи эса чет элда бўлиб, улар олимлар илмий конференциясига овланмоқда.

зирлиги таркибидаги дори вoситаларини ва тиббий техниканинг сифатини назорат қилиш бош бошқармасига 50 дан ортиқ препаратларнинг метoйри техник ҳужжатлари топширилди.

мустамлака даврида ёзилган дарсликлардан, эски мафқурандан халос бўлиш мақсадида замон талабига жавоб берадиган ўзбек тилидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзилмоқда.

Институтда олиб бoрилатган илoхотлар туфайли ўқитиш қoфaти, илмий ишлар савияси тақoмиллашган дoрихoна амaлиётi, ишлаб чиқaриш ва лaбoрaтoрия амaлиётлaри кaби хaлкaрo стaндaртлaргa мoслaб oлиб бoрилmoқдa.

Энг муҳими, Президентимиз айтганларидек, эски қолигда, шунинг қувонарлики, институтдаги илмий изланишлар натижаси хориждаги ҳамкасблар орасида қизиқши уйғотмоқда.

TOШKENT ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш мақсадида институт қошидаги АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ профессор-ўқитувчилари ва соҳа раҳбарлари учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«Авесто»нинг 2700 иллиги олгудан

КЎҲНА ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ



«Авесто»да қадимги Мовароуннаҳр халқларининг кўҳна урф-одатлари, удувлари, ирим-сиримлари ҳақида кўплаб ранг-баранг далиллар ва маълумотлар мавжуд. Энг кўҳна халқ байрамлари ҳақидаги тафсилоту лавҳалар шулар жумласидандир. Бу фактлар халқ байрамларининг тарихи эра-миздан олдинги иккинчи йилларга бориб тақалишини кўрсатади. Ана шундай байрамлардан бири Наврўздир.

НАВРЎЗ янги йилнинг бошланиши бўлиб, энг кутлуғ ва шодибна кун саналади. Одамларнинг бу байрамга жиддий тайёргарлик кўришлари, ҳамма ёқни пок-киза этишга, ариқ-зовурлар, ҳовли-жой, хонадон, идиш-товок, уй анжомлари, кийим-кечакларни тозалаш, янгилашга интилишларининг сабаби ҳам ана шунда.

Султон Махмуд Ғазнавий Наврўзни халқ байрами сифатида оммавий тарзда нишонлаш хусусида махсус фармон чикарган. Салжукийлар даврида ҳам у давлат миқёсида тантанали равишда байрам қилинган. Махшур математик олим ва файласуф шоир Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» асари айнан ана шу пайтда ёзилган. Берунийнинг «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар», Ибн Синонинг «До-нишнома» асаридаги Нав-

рўзга доир мулоҳазалари ҳам ана шу даврда пайдо бўлган. Кейинги асрларда Наврўз байрамининг моҳияти янада кенгайди. У кенг халқ оммаси томонидан янги йилнинг, баҳорнинг, табиат уйғонишининг бошланиши, ариқ-зовурларни тозалаш, боғу роғлар барпо этиш учун кўчат ўтказиш, янги биноларнинг илк гиштини кўйиш, деҳқончилик мавсумининг бошланиши сифатида халқ шодибнаси, сайли тар-зида нишонлиб келинмоқда.

Фарвардин ойининг олтинчи куни Хурдод деб номланади. Ана шу кунда сарбон Пурушасп хонадонидан чакалоқ туғилди. Унга Заратуштра деб ном қўйилди. Ана шу гўдак келажақда халқни жоҳилиятдан маърифатга, танбалликдан яратқучликка, жангдан осийшталликка олиб чиқди. Халқ пешвоси, жамоат арбоби, воиз, шоир, ислохотчи даражасига кўтарилди. «Авесто-

да қайд этилишича, Спитамон Заратуштра таваллуд топган кун ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланган. Ҳозир ҳам Шарқнинг маздопарастлик эътиқодидаги халқлар бу кунни зўр тантана билан нишонлайдилар.

МЕҲРЖОН. Бу байрамнинг пайдо бўлиши халқнинг истиклол, озодлик учун кураши тарихи билан боғлиқ. Маълумки, афсоналарга кўра Арабистон шаҳзодаси Заҳҳок («Авесто»да Ажи Даҳақ) Жамшиднинг такаббурлиги, ҳудудлик даъво қилганидан фойдаланиб анча-мунча ҳудудларни босиб олади. Бунда унга Иблис-Ахраман ёрдам беради, шох ошонасида тансиқ таомлар пиширадиган ошпаз сифатида ном чиқаради. Заҳҳок Иблисдан «қилган хизматларинг учун тила тилагингни» дейди. Инсоният душмани баттол Ахраман шохнинг икки елкасини ўпиш истаги борлигини айта-

ди. Заҳҳок икки қифтини очди. Иблис буса олади-да кўздан ғойиб бўлади. Кўп ўтмай шаҳаншоҳнинг елкаси қичишиб, икки илон ўсиб чиқиб, унинг миёсини кемирмоқ-чи бўлади. Шунда Заҳҳок табибларни чақириб, бу бало-нинг олдини олишни сўрайди. Табиб суратида келган Ахраман илонларни ҳар кунни «икки одамнинг миёси билан боқишни» маслаҳат беради. Натижада подшо одамлари ҳар кунни иккидан фукарони ўлдириб, миёсини илонларга келтириб бера бошлайди. «Авесто»да бу одамхўр «Уф бошли олти кўзи» махлўқ сифатида лаянлатилиб тилга олинади. Халқнинг оҳидан оташ ўрлайди. Охири улар темирчи Кова бошчилигида кўзгилон кўтариб, Заҳҳокни тутиб Дамавон тоғига михлайдилар ва Жамшид қавмидан бўлиб Фаридунни тахтга ўтказдилар. Ана шу кун ҳам Меҳржон номи билан зардуштийларнинг кутлуғ шодибна кунларидан бирига айланган.

САДА. Бу байрам қадимги тақвим бўйича Бахманмоҳнинг ўнчинчисида нишонланган. У

Наврўздан 55 кун олдин келади. Унинг «Сада» дейилишига сабаб, қадимги аждодларимиз йилни икки қисмга бўлиб ҳисоблаб, ҳар ярим йилликни «Чехра» деб аташган. Йилнинг биринчи ярми Фарвардиндан Меҳргача — етти ойни ўз ичига олган. Бу даврни тобистон, қолган 5 ой — Обон ойининг бошидан Исфанднинг охиригача зимистон киш дейишган. Бу байрам йилнинг иккинчи ярмига-қишга тўғри келгани учун «Сада» деб ном олган. Халқнинг уни «қиз байрами» дейиши ҳам шундан қолган бўлиши керак.

Бундан ташқари, зардуштийларда яна бир қанча халқ байрамлари ҳам бўлганки, уларнинг ҳар бири аждодларимизнинг қай бир удуми, одати билан уйғундир. Кўриниб турибдики, аждодларимизнинг ҳар бир байрами унинг тарихи, келиб чиқиши, турмуш тарзи, табиат ҳодисалари билан бевосита боғлиқ экан.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ.



Ёзнинг гашти ўзгача.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ олган сурат лавҳа.

Кутубхона — грант соҳиби

Республикамизнинг энг йирик зиё масканларидан бири — Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси янги адабиётлар билан бойиди. СОРОС фондининг МДХ давлатлари доирасидаги лойиҳаси асосида мазкур кутубхона шундай имтиёзга биринчилар қатори сазовор бўлди. Тўрт юздан зиёд янги китобни келтиришга сарфланган харажатнинг йигирма беш фоизинигина кутубхона ўз маблағи ҳисобидан қоплади. Улар орасида ғарб файласуфларининг нодир асарлари, иқтисодиёт, бизнес, социология, ҳуқуқшунослик, маданиятшуносликка оид янги адабиётлар бор.

Шуниси эътиборлики, СОРОС жамғармасининг пойтахт кутубхоналари ўртасида ўтказган танловда мазкур кутубхонанинг «Тошкент шаҳрининг оммавий кутубхоналарида ижтимоий журналлар» лойиҳаси энг яхши деб топилди, кутубхона жамғарманинг махсус грантини кўлга киритди.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

СПОРТ ШАХАРЧАСИ

Жиззах шаҳрида қурилаётган «Олимпиадачилар заҳираси» мактаби нафақат вилоят, балки республикадаги энг катта спорт иншоотларидан бири бўлиб қолади. Мустақилликнинг 9 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириладиган замонавий, жаҳон андозларига мос спорт комплексида мини футбол, теннис корти, волейбол, баскетбол майдонлари, томошабинлар учун ўриндиқлар бўлади. Шаҳарда, шунингдек, очик, ёпиқ бассейнлар, ўқув биноси ва ётоқхона ҳам мавжуд. Уни ўзига хос ва мос маънода спорт шаҳарчаси, деб атаса ҳам бўлади.

Гулзода БОҲОДИРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тўсдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 3 июлдан 8 июлгача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

- 1. Чорак ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш мuddатлари тўғрисида низоми. ЎЗР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.
2000 йил 3 июлда 942-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 13 июлдан қўлга киритилди).
2. Аҳоли даромадларини фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳисоб-вақфларига нақд пулсиз ўтказиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартибига 2-сонли ўзгартариш ва қўшимчалар. ЎЗР Марказий банк ва Республика пул-кредит сибсати бўйича комиссия томонидан тасдиқланган.
2000 йил 3 июлда 738-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 13 июлдан қўлга киритилди).
3. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режими тўғрисидаги низомига 2-сонли ўзгартариш. ЎЗР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 3 июлда 719-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 13 июлдан қўлга киритилди).
4. Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига 2-сонли ўзгартариш ва қўшимчалар. ЎЗР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 3 июлда 832-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 13 июлдан қўлга киритилди).
5. Божхона оқ декларациясини тўлдирish тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-сонли ўзгартаришлар. ЎЗР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 3 июлда 834-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 13 июлдан қўлга киритилди).
6. Тижорат банкларида корпоратив бошқаруш тўғрисидаги низоми. ЎЗР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
2000 йил 5 июлда 943-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 15 июлдан қўлга киритилди).
7. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акция солиғи солинимай олиб қириладиган товарларнинг чек-ларини нормаларига 1-сонли ўзгартариш. ЎЗР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 7 июлда 412-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 17 июлдан қўлга киритилди).

II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

- 1. Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёж учун предметлар (мулклар)нинг божсиз олиб кириш ва олиб чиқишнинг вақтинчалик тартиби. ЎЗР Молия вазирлиги ва Давлат соғлиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 4 июлда чиқарилди (1995 йил 6 сентябрда 169-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
2. Ўзбекистон Республикасига конигнация асосида келатган товарларни олиб ўтиш тўғрисида вақтинча йўриқнома. ЎЗР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 4 июлда чиқарилди (1997 йил 13 августда 356-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
3. 1998 йил 1 январда қадар олиб киритган савдолардан қўйилган қиймат солиғини ўқитиш бўйича тушунтириш. ЎЗР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 4 июлда чиқарилди (1998 йил 10 январда 388-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
4. 1999 йилда акция солиғини қўллаш тартиби бўйича тушунтириш хати. ЎЗР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2000 йил 4 июлда чиқарилди (1999 йил 11 мартда 665-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
5. Юридик шахсларнинг ташқи иқтисодий алоқалар қатнашиши сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби. ЎЗР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги билан келишилган.
2000 йил 4 июлда чиқарилди (1999 йил 11 октябрда 830-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
Мазкур меъёрий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартаришлар киритилиши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

- 1. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низоми. ЎЗР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тасдиқланган.
2. Тут дарахларини асосан равишда қўриб ташлаш ҳамда пилдан қилишда йўл қўйган раҳбарлар ва шахсларни жавобгарликка тортиш тартиби. «Ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан тасдиқланган.
3. Автовозлаш ва автомобиль тўхташ жойлари томонидан автобуслар, микроавтобуслар, энгил автомобилларга уларнинг идоравий мансублиги ва мулк шаклларида қатъий назар хизмат кўрсатиш бўйича таъясилар. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган.
Томондан этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қондилар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга янада бориқмайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг ҳулосалари ҳисобга олгани ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмади:

- 1. Тижорат банклари капиталининг монандчилиги қўйилган талаблар тўғрисидаги низоми (янги тахрирда). ЎЗР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
2. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаш миллий тизими. Шаҳар йўловчи транспорти хизматлари сертификатлаш қондалари. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаш миллий тизими. Шаҳар йўловчи транспорти хизматлари сертификатлаш тартиби. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган.
4. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини йўритиш қондаларига 3-сонли қўшимча. ЎЗР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
5. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил қилиш бўйича йўриқномага 2-сонли ўзгартариш. ЎЗР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
6. Ҳужжалик юритувчи субъектларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича низоми.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилган қуйидаги меъёрий ҳужжатлар аниқланди:

- 1. Қаноммад ва ортиқчаларнинг бухгалтерлик ҳисоби ва солиқ солиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар. ЎЗР Молия вазирлиги ва Давлат соғлиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.
2. Адвокатлик хизматларига ҳақ тўлаш бўйича тушунтириш. ЎЗР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.
Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар қўлга киритилган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тоғишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги қўрсатмалар бажарилмаганини учун фуқаролар, мансбодор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўйлаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида қўрсатилган меъёрий ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тоғишли вазирик ва идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чиқариб олиш тўғрисида тақдирномалар киритилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди. Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Тошкент вилояти ҳокимияти Адлия бошқармаси томонидан 1994 йил 27 июнда «Махсуқшилоққўжмонтаж» трестига давлат рўйхатидан ўтказилган ҳақида берилган 14-сонли гувоҳнома йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Advertisement for 'ЭЪЛОН!' (Announcement) featuring 'Хотира майдони' (Memory Square) and 'Кўрик-танлов' (Contest). It describes a contest for 'Ушбу кўрик-танловда лойиҳачи, архитектор, ҳайкалтарош, мусавирлар ва бошқа ижодий уюшмаларнинг аъзолари бевосита қатнашишлари мумкин.' (In this contest, members of creative organizations can participate directly.) It also mentions 'Кўрик-танловда қатнашувчилар керакли ахборот ва танлов шартлари ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси ёки Наманган вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан олишлари мумкин.' (Participants can obtain necessary information from the State Committee for Architecture and Construction of the Republic of Uzbekistan or the Namangan Regional Administration.)

Table with 2 columns listing various services and contact information. Column 1: 'Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси академия банк-молия тизими ривожланишини таъдиқ қилиш маркази бошлиғи Ҳакимжон Ҳакимовга отаси' (Head of the Center for Development of the Bank-Finance System of the Republic of Uzbekistan Academy of Sciences, Hakimjon Hakimov). Column 2: 'Ўзбекистон Республикаси Факултетада вази-ятлар вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазир-лик ходими Муҳиддин Ибрагимовга волидан муҳтарамаси' (Head of the Faculty of the Ministry of Justice, Mukhid-din Ibragimov).

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАШБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

Table listing subscription rates for different categories: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт (133-57-34), Ҳуқуқ (136-07-94), Иқтисодиёт (136-36-65), Маълумот ва маърифат (132-10-65), Хатлар (136-29-89), Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар (133-07-48), Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик (132-12-08), Ҳаққор ҳаёт (133-78-92), Котибхона (132-11-15), Эълонлар (133-10-28), 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма 00 — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ж. САЪДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ. Мусаххач — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6